



## ШАХСДА ҚАДРИЯТЛИ МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ДОИР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР ТАҲЛИЛИ

*Бердиева Г.*

*Қариш давлат университети катта ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** кадриятли мулоқот, маросим, миллий характер, тарбия, мактаб, нотик.

**Ключевые слова:** ценностное общение, обряд, национальный характер, образование, школа, оратор.

**Key words:** value communication, ritual, national character, education, school, speaker.

Ҳар бир инсоннинг туғилиши унинг камолот сари кўйган дастлабки қадамидир. У жисмонан улғайиш баробарида маънавий жиҳатдан ҳам камол топиб боради. Бу жараёни эса жамиятсиз, жамият аъзолари орасидаги ўзаро кадриятли мулоқотсиз тасаввур этиб бўлмайди. Айни пайтда эса маънавияти юксак шахсни эътиқодсиз, инсоний аъмолсиз тасаввур қилиш ҳам мумкин эмас. Мана шу икки узвий жиҳат жамият аъзолари орасидаги ўзаро мулоқот масаласини хорижий тажриба нуқтаи назаридан кўриб чиқишни тақозо этади.

Хорижий мамлакатларда ҳозирги вақтда ўқувчиларда кадриятли мулоқот маданиятини шакллантириш муаммосига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада улар мулоқот доираси ва динамикасини мулоқотга кирувчиларнинг ижтимоий позициялари, уларнинг ижтимоий муносабатлар тизимидаги мавқеи билан белгилайдилар. Японияда шахснинг ривожланиши у бевосита ёки билвосита мулоқотда бўлган бошқа барча шахсларнинг ривожланиши билан боғлиқ, деган қараш мавжуд. Японияда мактаб ўқувчилари ўртасидаги кадриятли мулоқот муносабатлари қатор ўзига хосликларга эга. Японларнинг таълим соҳасида катта муваффақиятларга эришиши, шубҳасиз, ҳамкорлик муносабатларида мулоқотнинг энг мақбул усуллари танлай олганидадир.



Инсон ҳаётини жамиятсиз ва жамият билан алоқасиз тасаввур этиб бўлмайди. Мулоқот инсон ҳаётининг муҳим қисмидир. Японияда ”Инсон ҳаёти ва ижтимоий тил” назарияси ишлаб чиқилган. Бу инсон ҳаётини чуқур ўрганишдир. Назария бўйича, мулоқот муҳитини ривожлантириш инсон учун муносиб ва ушбу муҳитдан самарали фойдаланиш - инсониятнинг жамиятдаги асосий мезони, деб ҳисобланади.

Японияда ўқувчиларни ўзига хос мулоқот маданиятини муваффақиятли шакллантиришда Яманаши префектурасидаги Кофу шаҳрида жойлашган “YUNITAS” мактабининг аҳамияти катта. Мазкур мактабда таҳсил олиш ўқувчиларни ўқиши давомида Япония маданияти, кадриятлари билан танишиш имкониятини беради. Мактабда “Япония маданияти билан танишиш” дарслари доирасида ўқитувчилар Япониянинг кадриятли маданияти ҳисобланган - чой маросими, хаттотлик, икебана, нотиклик, анъанавий япон ошхонаси ва ширинликларини тайёрлаш бўйича дарсларни ташкил қилишади. Мактаб ўқувчилари учун ойига бир марта Япониянинг тарихий жойларига бепул экскурсия ташкил қилинади. Шунингдек, мактабда ўзига хос тарзда вақти-вақти билан нотиклик танлови мусобақалари ўтказилади.

Японияда ўқувчилар мулоқот жараёнида кўпинча уятчанлик, ноқулайлик ва хижолатни бошдан кечириши билан боғлиқ вазият ташкил қилинади. Японлар учун тинимсиз гапириш фазилат эмас. Чеклов одатда уларнинг хатти-ҳаракатлари учун одатий ҳолдир. Мактаб тарбиясининг ўзига хослиги шундаки, улар болаларни ёшлигидан кўп гапирмасликка, суҳбатдошининг сўзларини тўхтатмасликка ўргатадилар.

Япон ўқувчиларининг кадриятли мулоқот маданиятининг асосий хусусиятлари қуйидагича эътироф этилади:

1. Аксарият ижтимоий вазиятларда япон ўқувчилари мулоқот оқимини назорат қилмайди, уни сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Мулоқот жараёнида у ҳукмронлик қилишга ёки ишонтиришга интилмайди. Япон ўқувчилари одатда қисқа гапларни айтишади ва узоқ вақт гапиришмайди. Чунки Японлар учун мулоқот жараёнида айтаётган сўзлари учун масъулиятни ҳис қилиш кадрият ҳисобланади.

2. Мактаб ўқувчилари мулоқотга киришни ўзи бошлашга мойил эмас, уни суҳбатдошига қолдиради. У эҳтиёткорлик билан гапиради, ўзини эркин сўзлашига йўл қўймайди.

3. Япон ўқувчилари дўстона мулоқот оҳангини кадрлашади. Улар ҳеч қачон ўзларининг суҳбатдошларига қарши чиқмасликка ўргатилади, хатто у қарама-қарши нуқтаи назарни билдирса ҳам.

Японияда ўқувчиларга мулоқотга киришишда тенгдошларига мурожаат қилаётганда ўзларининг ижтимоий мавқеини англаган ҳолда мулоқотга кириши лозимлиги уқтирилади: бўйсунувчи позиция ёки аксинча, суҳбатдошга нисбатан устунлик позициясида бўлиш. Япон тилшуноси Э.Ивабути: “Бизда аниқ ифода шаклларида кўрқин одат тусига киради”, - дейди. Чунки мулоқотда японлар махсус перефикслар, қўшимчалар, аниқ сўзлар ёрдамида амалга оширилади. Бир гуруҳ исмлар, олмошлар, феъллар фақат пастроққа нисбатан, иккинчиси - юқорига, учинчиси - фақат тенгларга нисбатан қўлланилади. Японияда илгари император билан фақат император мулоқот қилиш ҳуқуқига эга ҳисобланган.

Япон халқи мулоқотнинг тўғридан-тўғри услубидан ғазабланадилар, бу улар учун беҳурматлик ҳисобланади. Улар қадриятли мулоқот жараёнларини “Кадо-га тореру” (четлаб ўтиш, ўткир бурчакларни силлик қилиш) орқали олиб боришни афзал кўришадики, у барча нуқтаи назарлар баён қилинмагунча, масаланинг юраги атрофида айлансин. Бундай ҳолда, моҳият аста-секин очиб берилади, энг муҳими, мулоқот жараёнида уни “ўраб олиш” орқали, унга концентрик доирада такрорий ёндашувлар орқали имконият яратилади.

Япония ўқувчиларининг қадриятли мулоқот маданиятининг ўзига хослиги уларда қатъий рад этишни англаувчи “йўқ” сўзи камдан кам ҳолларда қўлланилади. Улар ҳиссиёти ва кайфияти номаълум бўлган “бошқалар” билан ўзаро мулоқотга киришганда “йўқ” дан қочишади. Гарчи бугунги кунда кўплаб япон ўқувчилари мулоқотда четга чиқмаслик ва керак бўлганда “йўқ” деб айтиш яхшироқ деб ҳисобласа-да, умумий қабул қилинган меъёрлар улардан устун келади. Чунки бу улар учун қадрият ҳисобланади. Японияда сукут ҳам йўқнинг белгиси. (Япон тилининг изоҳли луғатида “сукунат” бу мулоқот вакуми эмас, балки суҳбатдош ўз фикрлари ва ҳис-туйғуларини ташқи ифодалашдан тийилишга мажбур бўладиган ҳолат” эканлиги таъкидланган). Сукунат кўпинча бегона одамларнинг сўровларига жавобан рад этиш “йўқ” белгиси сифатида ишлатилади.

Японлар мулоқотда суҳбатдошининг кадр-қимматини ўйлаган ҳолда уни хафа қилмасдан мулойимлик билан ёндашади. Ушбу мулоқот усули япон миллий характерининг асосий хусусиятларидан бири - хушмуомалаликнинг ташқи кўриниши бўлиб хизмат қилади. Хушмуомалалик, деб ёзади Н.Т.Федоренко, барча японларга хосдир. Махсус хушмуомалалик қадриятли мулоқотнинг ўзига хос хусусиятларида намоён бўлади. Бу борада машҳур япон профессори Римпеи Маруяма: “мулойим иборалар, хушмуомалалик ёки ўзига хос қадриятлар ва бу ибораларни дунёнинг де-



ярли барча мулоқот маданиятида учратиш мумкин, аммо Япония бу борада биринчи ўринда туради”, деб ёзади.

Япон кадриятли мулоқотининг ўзига хослиги суҳбат давомида олдиндан кечирим сўрашида кўзга ташланади. Бу ҳар бир япон ўқувчиси учун одатга айланиб кетган. Улар ўз ўртоғининг бирон бир илтимосни бажара олмаслигини ҳис қилса, у бунга бор кучини сарфлашини айтиб, агар унинг ҳаракатлари натижага олиб келмаса, демак у уни кечиришни олдиндан сўрайди. Римпеи Маруяманинг фикрича, “мулоқотда фақат хушмуомалалик ва мулойим нутқ бурилишларидан фойдаланиш қобилиятига кўра, японлар суҳбатдошининг мулоқот маданияти даражасини аниқлайди” деган сўзлари билан баҳолаш мумкин.

Япония кадриятли мулоқот маданиятининг ўзига хослигини Н.Т.Федоренконинг: “мулоқотда ўзини камтар тутиш ва суҳбатдошни улуғлаш фикри мулоқотга киришаётган японнинг миясини тарк этмайди”, деган фикрларидан англаш мумкин бўлади. Япония жамиятининг турли қатламларида кадриятли мулоқотни акс эттирган бир неча ўнлаб халқ мақоллари ўқувчилар томонидан ўрганилади. Жумладан, “Одамлар қайғурадиган жойда, сиз ҳам қайғуринг”, “Агар бошқалар қувонса, сиз ҳам қувонинг”, “Бахт одамлар қуладиган уйга келади” каби.

Америка Қўшма Штатларида мулоқот маданиятини ривожлантириш тажрибаси бошқа мамлакатларга қараганда анча бой: коммуникатив таълим тизими бир неча ўн йиллар давомида ривожланиб, турли назарий умумлашмалар асосига қурилган. Америкалик тадқиқотчилар мулоқот жараёнларини таҳлил қилиш ва ушбу билимларни таълим дастурларига айлантириш усуллари бўйича жуда кўп материал тўплаганлар. Сўнгги йилларда Қўшма Штатлар «Communication Studies» (Мулоқотни ўрганиш) ўқув дастурини ишлаб чиқилган. «Communication Studies» дастури муаллифлари коммуникатив таълимга маълум бир мамлакатнинг ижтимоий шароитлари ва таълим анъаналарининг, унинг кадрияти, маданияти ва ижтимоий институтларининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи кўплаб услубий ёндашувларни ўз ичига олган ижтимоий тажрибанинг бир тури деб қарашади. Шу билан бирга, мулоқотнинг ўзига хос моҳияти ҳақидаги билимлар ҳар қандай ўқув юртларида мулоқот жараёнига тайёргарлик мазмунига киритилган. Ўқувчиларини турли ижтимоий муҳитда ўзаро муносабатларни ўрнатишга тайёрлашнинг прагматик компоненти Америка таълимининг кенг эмпирик материали асосида ўрганилади.

АҚШдаги мактаб таълимининг миллий тизими, уларнинг автономлигига қарамай, давлат мафқураси ва ижтимоий сиёсат ҳукмронлигига бўй-



сунади. Бундай ҳолда мулоқот маданияти таълимни мафкура, ижтимоий сиёсат ва Кўшма Штатлардаги таълим соҳасида демократик бошқарув маданияти билан боғлиқ ҳолда ўргатилади. АҚШда мулоқот маданиятини ривожлантириш бўйича таълим муаммоларига бағишланган конгресслар, халқаро ассоциациялар конференциялари тизимли ташкил этилади. Хусусан, бутунжаҳон мулоқот ассоциацияси (WCA), Халқаро коммуникатив ассоциацияси (ICA), Халқаро коммуникацияни ўлчаш ва баҳолаш ассоциацияси (AMEC), “Дебат” халқаро таълим ассоциацияси (IDEA), Халқаро таълим бўйича ассоциация (NAFSA), Шимолий Америка коммуникатив ассоциацияси (NARCA), Шимолий Американинг Евроосиё коммуникация ассоциацияси (ECANA), Америка риторика тарихи жамияти, Миллий мулоқот уюшмаси (NACA), АҚШ жамоатчилик билан алоқалар ассоциацияси (PRSA), Миллий кўп маданиятли таълим ассоциацияси (НАМЕ), Америка коллежлари ассоциацияси (AAC), Америка таълим коллежлари ассоциацияси (AAST), ўқув дастурларини бошқариш ва ривожлантириш ассоциацияси (ASCD) шулар жумласидандир.

Communication Education, Communication Teacher, Communication and Critical/Cultural Studies, Critical Studies in Media Communication, Journal of Communication; Teacher Education каби журналлар мулоқот маданиятини шакллантириш имкониятлари ҳақида янги назарий билимлар билан бойитиб борилади.

АҚШда ўқувчиларни мулоқот маданиятини ривожлантириш деганда турли хил характер хусусиятларига эга бўлган ўқувчиларни ҳар хил ижтимоий муҳитда яшашга, ўқишга тайёрлаш тушунилади. Ўқувчиларнинг мулоқот одоби орқали эса ижтимоий институтлар ва жамият ўртасидаги ўзаро мулоқот муносабатларни ўрнатиш сифатида қаралади. Натижада, уларда турли муаммоларни мулоқот орқали ҳал қилиш кўникмалари шакллантириб борилади.

Шунингдек, АҚШда мулоқот маданиятини шакллантириш имкониятлари олий ўқув юртлирида ҳам тизимли амал қилиниши билан аҳамият касб этади. Хусусан, Техас A&M университетда мулоқотга тайёрлаш курслари кўплаб фанлар: психология, социология, антропология, сиёсатшунослик, ҳуқуқшунослик ва иқтисод билан кесишади. Асосий мулоқотга тайёрлаш курслари Arpenberg мактаби (университет таркибидаги тадқиқот маркази) томонидан ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Arpenberg мактаби таркибига “Коммуникатив тадқиқотлар маркази” ва “Маданий коммуникацияларни ўрганиш” маркази киради. Arpenberg мактаби: мулоқот ва



маданият; мулоқот ва ўзини тутиш; мулоқот ва бизнес йўналишлари бўйича муайян кўникмаларга эга бўлиш имкониятини яратади.

Accent Français - Франциянинг танилган мулоқот мактабларидан биридир. Мактабда асосий ўқув аҳамияти ўқувчиларнинг ўзлаштирган билимларини кундалик ҳаётда эркин қўллашларига имкон берадиган мулоқот қила олиш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган .

Франциянинг Ekol Des Rosh мактаб-интернати 1899 йилда очилган ва Руссо, Рабела ва Монтене сингари буюк мутафаккирларнинг анъаналарини давом эттиради. У Франциянинг ўзига хос қадриятларини ўқувчиларга ўргатиш асосида таълим беради. Айнан Ekol Des Rosh мактаби Франция мамлакатада нотиклик танловлари, биринчи скаутлар пайдо бўлиши, қиличбозлик, крикет ва бошқа қадриятларни ўзида бирлаштиради. Бир асрдан зиёд биринчи даражали иш натижасида ахлоқий қадриятлар ва нотиклик асосларини эгаллаган маданий, сиёсий ва иқтисодий соҳаларда устун бўлган муваффақиятли битирувчиларнинг бир неча авлодлари айнан мана шу мактабда таҳсил олган. Ekol Des Rosh мактаби ўқувчиларни таълимнинг кейинги босқичларига энг яхши тайёрлаш учун барча мактаб курслари қадриятларга асосланган миллий таълим меъёрларига мос келади, ҳатто ундан ҳам ошиб кетади.

Бугунги кунда Интернет-қидирув тизимлари Москвадаги ўнлаб мактаблар ва жамоат мулоқот курслари мавжуд бўлишига қарамай, 2011 йилда адвокат Арсен Нерсисянни ўзининг «Оратор Клуб» нотиклик мактаби очди. Дастлаб, бу клубда бир нечта одам учун дарслар ташкил этилган бўлса, энди эса бир неча ўн баробар кўп бўлган катта гуруҳларга машғулотлар олиб борилади.

Россияда 2011 йилда ташкил қилинган “Оратор клуб” нотиклик мактаби ҳозирда нутқ техникаси ва актёрликдан тортиб стратегик тармоқ ва меҳмондўстликка қадар ўндан ортиқ курсларни таклиф этади. Дарслар ҳафтада бир марта бир мавсум давомида - қиш, ёз ёки баҳорда ўтказилади. Клуб мураббийлари орасида тажрибали дикторлар, режиссёрлар ва актёрлар бор, мижозлар орасида ҳокимлар, сиёсатчилар бор.

Араб мулоқот маданиятида бирон бир нарсани рад қилиш шунчаки “Ҳа” ёки “Йўқ” деб айтиш билан кифояланмайди, балки рад этиш “қасам” ва “ваъда”лар билан бирга келади. Шунингдек, Арабистонда мулоқот жуда кўп илтифот, миннатдорчилик ва эътибор аломатлари билан амалга оширилади. У ерда ҳеч кимни ўқиш ёки иш жойида танқид қилиш одат эмас, акс ҳолда улар кўполлик ва ҳурматсизликда айбланиши мумкин.



Рус мулоқот маданиятининг ўзига хослиги шундаки, улар узоқдан саломлашганда кўлларини у ёқдан бу томонга силкитадилар. Бу руслар учун қадриятга айланган одат. Аммо Шимолий Америкада бундай ишора хайрлашишни англатади ва Марказий Америкада ёки Африкада бундай ҳаракат машинани тўхтатиш ёки кимнидир уларга чақириш учун ишлатилади.

Умуман, мулоқот қилиш маданияти турли мамлакатларда турлича жест ва новербал шаклларга эга бўлса-да, уларнинг замирида мулоқотга киришаётган кишига нисбатан ҳурмат кўрсатиш, мулоқотдан кутилаётган натижага эришиш ва ижтимоий муносабатларда ўзаро илиқликни пайдо қилиш мазмуни ётади. Инсон жамиятда фаолият олиб борар экан, ижтимоий муносабатларсиз, хусусан, мулоқот маданиятисиз ўз мақсадига тўлақонли эриша олмайди. Шундай экан, ёшларга мулоқот маданиятини ўргатиш, уларда қадриятли мулоқот кўникмаларини шакллантириш энг долзарб масалалардан биридир.

#### Адабиётлар:

1. Кривченко Т.А. Коммуникативная культура человека как объект специального формирования в воспитании / Т.А. Кривченко // Классный руководитель. - 2002. - №5.
2. Ходжаев Б.Х. Педагогик аксиология. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2011
3. Кашкин В.Б. Введение в теорию коммуникации: учебное пособие / В.Б. Кашкин. - Воронеж: Изд-во ВГТУ, 2000.
4. <https://www.tandfonline.com>
5. <https://www.accentfrançais.com>

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада шахсда қадриятли мулоқот маданиятини шакллантиришга доир хорижий тажрибалар таҳлили, қадриятли мулоқот маданиятининг ўзига хос тавсифига доир фикр мулоҳазалар келтириб ўтилган. Шунингдек, муаллиф қадриятли мулоқотнинг шахс ва жамият маданиятидаги аҳамияти, ижтимоий жиҳатлари ҳамда қадриятларга оид ёндашувлар мазмуни қиёсий таҳлил қилиб ўтилган.

#### РЕЗЮМЕ

В данной статье дан анализ зарубежного опыта по формированию культуры ценного общения у человека, мнения об уникальном описании культуры ценного общения. Также автором проведен сравнительный анализ значения ценностной коммуникации в культуре личности и общества, социальных аспектов и содержания подходов к ценностям.

#### SUMMARY

This article provides an analysis of foreign experience in creating a culture of valuable communication in a person, an opinion on a unique description of a culture of valuable communication. The author also conducted a comparative analysis of the meaning of value communication in the culture of the individual and society, social aspects and the content of approaches to values.